"Ташаббус-2016" кўрик-танлови
Ташкилий қўмитасининг
2016 йил 27 февралдаги 1-мажлиси
қарорига илова

# Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида "Ташаббус-2016" кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида

# НИЗОМ

**Тошкент – 2016**

## I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган “Ташаббус” кўрик-танлови (кейинги ўринларда “кўрик-танлов”)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Кўрик-танловда йил якунларига кўра илғор натижаларга эришган, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишнинг бошқа соҳаларида ташаббус кўрсатаётган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган, сиёсий етук ҳамда маънавий-маданий бой тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар иштирок этади.

1.3. Кўрик-танлов Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланадиган логотипига эга.

## II. Кўрик-танловнинг мақсади

2.1. Кўрик-танловнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланишини рағбатлантирувчи бизнес муҳит яратиш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш;
- тадбиркорларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарурий шарт-шароит яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш;
- тадбиркорлар ўртасида хўжалик алоқаларини кенгайтиришга ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни реклама қилишга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик фаолиятида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этишга кўмаклашиш.

## III. Кўрик-танловнинг ташкилий қўмитаси, унинг таркиби ва вазифалари

3.1. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан тасдиқланади.

3.2. Ташкилий қўмита кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни бошқаради.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси кўрик-танловнинг ижрочи ташкилотчилари ҳисобланади.

3.4. Кўрик-танловни ташкиллаштириш, уни ўтказиш учун ҳомийлик қилишда вазирлик, идора, ташкилотлар, корхона ва жисмоний шахслар, шунингдек, халқаро ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.5. Республика ташкилий қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мажлис қарори билан ўз аъзоларини кўрик-танловни ўтказиш ишларини ташкиллаштириш учун масъул сифатида ҳудудларга бириктириш;
- ўз аъзоларидан иборат комиссия тузиш ҳамда ҳудудий босқичларининг ғолиблари фаолиятини жойга чиқиб ўрганиш;
- ўрганиш натижасида республика босқичига йўлланма олган тадбиркорлик субъекти фаолияти ушбу Низомда белгиланган қоидаларга зид равишда баҳоланганлиги ёки тадбиркор томонидан ёлғон маълумотлар тақдим этилганлиги

аниқланса, ҳудудий ташкилий қўмита ва ҳудудий ҳакамлар ҳайъати қарорларини бекор қилиш ва шу асосда республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган тадбиркорлик субъектларини танлов босқичларида иштирок этишдан четлатиш бўйича қарор қабул қилиш;

3.6. Ҳудудларга бириктирилган республика ташкилий қўмитаси аъзолари қуйидаги ваколатларга эга:

- ҳудудий босқичларни ушбу Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилишини назорат қилиш, таъминлаш (Низом талабларининг бузилиш ҳолатлари аниқланганда Савдо-саноат палатаси Ижроия қўмитасида ташкил этилган республика Ишчи штаби (+998 71 1506009, 1506006) орқали республика Ташкилий қўмита раиси ёки ўринбосарларини шу пайтнинг ўзидаёқ огоҳлантириш);
- ҳудудий босқичда ушбу Низомда белгиланган қоидаларга риоя қилинмаганлиги аниқланса, уни бартараф этиш юзасидан расмий равишда ҳududдаги ташкилий қўмита раисига ёки республика Ишчи штаби орқали республика Ташкилий қўмитасига ёзма тақдимнома киритиш;
- кўрик-танлов республика босқичида асосий номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар тўғрисида фаолият йўналиши, Ташкилий қўмита томонидан ажратилган совғалар ва келгуси режалари билан бирга уларнинг шу даражага етиб келишигача босиб ўтган фаолият йўлини ОАВда тўлиқ ёритилишини ташкиллаштириш;

Ҳудудларга бириктирилган республика Ташкилий қўмитаси аъзолари ҳудудий босқичлар якунлари юзасидан республика Ташкилий қўмитасига ёзма ахборот бериши лозим.

3.7. Кўрик-танловнинг ҳудудлардаги ташкилий қўмиталари таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимларининг фармойишлари билан тасдиқланади.

3.8. Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари ташкилий қўмиталари ишини бошқариш:

- туман (шаҳар) босқичлари ташкилий қўмиталарига туман (шаҳар) ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар босқичлари ташкилий қўмиталарига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича ўринбосарлари ёки Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари, “Ҳунарманд” уюшмаси ва Фермерлар Кенгашининг ҳудудий тузилмалари бошлиқлари бошчилик қилиши мумкин.

3.9. Ҳудудий ташкилий қўмиталар таркибига манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, тижорат банкларининг ҳудудий вакиллари, бозор инфратузилмаси ҳисобланган ташкилотлар раҳбарлари ва тадбиркорлар киритилади.

3.10. Ҳудудлардаги ташкилий қўмиталар республика ташкилий қўмитасига ҳисобот беради.

3.11. Ташкилий қўмиталар кўрик-танлов иштирокчилари ҳужжатларини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, очиқ овоз бериш, тегишли баённома расмийлаштириш орқали уларни баҳолаш мақсадида экспертларни тайинлайди.

3.12. Ташкилий қўмиталар кўрик-танлов бошланишига қадар 10 кун давомида кўрик-танлов талаблари ва қоидалари юзасидан кенг тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боради.

3.13. Ташкилий қўмиталар кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритишга масъулдир.

3.14. Ташкилий қўмита аъзолари кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, виоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларининг бошланишидан 5-6 кун олдин кўрик-танлов қатнашчиларининг ҳужжатлари билан танишиш ва камчиликларни тузатиш ҳақида кўрсатма бериш ҳуқуқига эга.

3.15. "Ташаббус" кўрик-танловининг олдинги йиллар ғолибларига қуйидагиларни амалга оширишда фаол бўлиш таклиф этилади:

- Низом талабларига жавоб берадиган, ўз ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорларни кашф этиш, танлов босқичларида иштирок этишига кўмаклашиш, улар орасида турли тушунтириш ишларини олиб бориш ва маслаҳат-тавсиялар бериш, танловга тайёрлаш.
- танловда иштирок этиш тартиблари, имкониятлар юзасидан оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот чиқишларини олиб бориш.
- танловнинг ҳудудий босқичларининг очилиш ва тантаналар маросимларида иштирокчилар учун ўз совға ёки маслаҳат-тавсиялари билан иштирок этиш, уларни рағбатлантириш, рухлантириш.

3.16. Ҳудудий ташкилий қўмита аъзолари ғолибларни аниқлаш жараёнида ташки тазйиқ ёки босим ўтказилаётганлиги аниқланган тақдирда республика ташкилий қўмитасига зудлик билан хабар бериши шарт.

## IV. Кўрик-танловнинг босқичлари ва ўтказиш муддатлари

4.1. Кўрик-танлов 3 босқичда ўтказилади:

- туман (шаҳар) босқичи (кейинги ўринларда "туман босқичи" ёки "1-босқич");
- ҳудудий босқичи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи, кейинги ўринларда "вилоят босқичи" ёки "2-босқич");
- республика босқичи (кейинги ўринларда "3-босқич").

4.2. Туман босқичи ғолиблари вилоят босқичида, вилоят босқичи ғолиблари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

4.3. Кўрик-танловни ўтказиш муддатлари:

- туман(шаҳар) босқичлари – 2016 йил **29 февралдан 6 мартга** қадар;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари – 2016 йил **9 мартдан 17 мартга** қадар.
- республика босқичи – 2016 йил **24-25 март** кунлари кўрик-танловнинг очилиш маросими ва кўргазмаси, 2016 йил **6 апрел** куни тантанали тақдирлаш маросими.

## V. Кўрик-танловнинг асосий йўналишлари ва номинациялари

5.1. Кўрик-танлов учта асосий йўналиш бўйича ўтказилади:

- ***"Йилнинг энг яхши тадбиркори";***

- *“Йилнинг энг яхши фермери”;*
- *“Йилнинг энг яхши ҳунарманди”.*

5.2. Ҳар бир босчқичда кўрик-танловнинг асосий йўналишлар бўйича 1, 2, 3-ўрин совриндорлари аниқланади.

5.3. Кўрик-танлов босқичлари бюджетидан келиб чиқиб, қуйидаги қўшимча рағбатлантирувчи номинациялар бўйича диплом ва кичик совғалар берилиши тавсия қилинади. Танловнинг асосий ва қўшимча номинация ғолиблари учун **совға сифатида уй-рўзғор буюмларининг берилишидан имкон қадар воз кечиш, аксинча фаолиятида доимий равишда фойдаланадиган инвентарлар** берилиши лозим. Ҳудудий босқичларда қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиши ва совғалар берилиши мажбурий эмас.

***“Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори”*** номинацияси. Бу номинацияда ёши 18 дан 30 гача бўлган, тадбиркорлик фаолияти билан уч йилдан кам бўлмаган давр мобайнида шуғулланиб келаётган ва йил якунларига кўра юқори кўрсаткичларга эришган, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этган, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқараётган, янги иш жойларини яратган, “Ташаббус” кўрик-танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркорга** берилади.

***“Энг яхши тадбиркор аёл”*** номинацияси. Бу номинацияда йил якунларига кўра юқори кўрсаткичларга эришган, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, “Ташаббус” кўрик танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркор, фермер ёки ҳунармандга** берилади.

***“Энг яхши инновацион лойиҳа”*** номинацияси. Бу номинация ғолиби ҳисобот йилида замонавий минитехнологиялар жалб этган, ишлаб чиқаришда илмий асосланган инновацион технологиялардан фойдаланган, ишланмалари патентланган ҳамда ички ва ташқи бозорда ўзининг машҳур брендига эга бўлган, ўз фаолияти давомида Ўзбекистон шон-шуҳратини оширган, ўзбек маҳсулоти брендини кенг танитган, “Ташаббус” кўрик танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркор ёки фермерга** берилади.

***“Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор”*** номинацияси. Бу номинация ҳисобот йилида корхонага 30 ёшгача бўлган ёшларни, айниқса касб-ҳунар коллежи талабаларини доимий ишга жалб этган “Ташаббус” кўрик танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркор ёки фермерларга** берилади.

***“Менинг юртим – менинг ифтихорим”*** номинацияси. Бу номинация хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳада илғор натижаларга эришган, “Ташаббус” кўрик танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркор, фермер ёки ҳунармандга** берилади.

***“Энг яхши оилавий бизнес соҳиби”*** номинацияси. Бу номинация оилавий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳада илғор натижаларга эришган, “Ташаббус” кўрик танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркор, фермер ёки ҳунармандга** берилади.

***“Энг яхши экспортчи”*** номинацияси. Бу номинация ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизмати экспортини йўлга қўйган энг илғор ҳамда фидоий “Ташаббус” кўрик-танлови **иштирокчилари бўлган тадбиркор, фермер ёки ҳунармандларга** берилади.

***“Энг масъулиятли ижтимоий шерик”*** номинацияси. Бу номинация ҳисобот даврида корхонада ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат соҳасига оид ҳуқуқ ва манфаатларни таъминлашда касаба уюшмаси қўмитаси ва ҳududдаги бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган, танлов **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркор ёки фермерга** берилади.

5.4. Қўшимча номинациялар бўйича совринларга:

- туман (шаҳар) босқичида – туман (шаҳар) босқичи иштирокчилари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида – асосий йўналишлар бўйича туман (шаҳар) босқичлари ғолиблари;
- республика босқичида – Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичларининг асосий йўналишлар бўйича ғолиблари даъвогарлик қилишлари мумкин.

5.5. “Йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши фермери”, “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” йўналишлари бўйича ғолиблар аниқлангандан кейин Бош ҳакам ва йўналишлар бўйича Ҳакамлар ҳайъатлари раислари қўшимча номинациялар бўйича ғолибларни аниқлайди.

5.6. Кўрик-танловнинг республика босқичида қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар таклифига асосан “Ташаббус” кўрик-танлови иштирокчилари ҳисобланган ёки танлов иштирокчилари бўлмаган, яъни вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ўзлари томонидан белгилаган тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги каби қўшимча номинациялар жорий этилади ҳамда таклиф билдирган томоннинг қимматбаҳо соврини билан тақдирланади:

**“Ўзстандарт” Агентлиги, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ва Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган қўшма чора-тадбирлар режасига асосан тавсия этилаётган қўшимча номинация:

***“Йилнинг энг яхши маҳсулоти”*** номинацияси. Бу номинация маҳсулотининг аҳоли ўртасида ҳамда чет элда таниқлилик даражаси, маҳсулотнинг экспорт ҳажми, маҳсулот брендининг оригиналлиги ва таниқлийлиги, маҳсулотни реклама қилинганлик даражаси, маҳсулот қадоғининг ташқи таъсирларга чидамлилиги ва унинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган “Ташаббус” кўрик-танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркорга** берилади.

**Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси** томонидан тавсия этилаётган қўшимча номинация:

***“Озиқ-овқат саноатидаги энг яхши йил тадбиркори”*** номинацияси. Бу номинация озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоқлаш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришган “Ташаббус” кўрик танлови **иштирокчилари бўлган** фидоий ҳамда илғор **тадбиркор ва фермерларга** берилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тавсия этилаётган қўшимча номинация:

***“Мудофаа вазирлиги билан ишлаётган энг яхши тадбиркор”*** номинацияси. Бу номинация мудофаа вазирлиги билан ҳар томонлама ҳамкорликда ишлаб келаётган, “Ташаббус” кўрик-танлови **иштирокчилари бўлмаган, яъни Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган** тадбиркорлик субъектларига топширилади.

Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси томонидан тавсия этилаётган қўшимча номинация:

***“Йирик ташкилотлар ўртасидаги намунавий савдо ва пулли хизмат кўрсатувчи шохобча”;***

***“Кичик ташкилотлар (микрофирмалар) ўртасидаги намунавий савдо ва пулли хизмат кўрсатувчи шохобча”;***

***“Якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги намунавий савдо ва пулли хизмат кўрсатувчи шохобча”.***

Ушбу ҳар учала номинация “Ташаббус” кўрик-танлови **иштирокчилари бўлмаган, яъни Банклар Ассоциацияси томонидан белгиланган** тадбиркорлик субъектларига топширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан “Ташаббус-2016” кўрик-танлови доирасида ўтказиладиган танловда жорий этиладиган номинация:

***“Ёш тадбиркор маҳсулоти жаҳон бозорида”.*** Бу номинация юртимиздаги **олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей талабалари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа (бизнес режа)лар** орасида ўтказилади. Лойиҳалар ўртасидаги танлов “Ташаббус” кўрик-танловининг фақат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда республика босқичларида ўтказилади. Талабалар томонидан лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг жойлардаги ҳудудий бошқармаларига тақдим этилади. Лойиҳалар “Ташаббус” кўрик-танлови ташкилий қўмитаси аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади, баҳоланади ва ғолиблар аниқланади. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида 3 та ўрин (1, 2 ва 3-ўринлар), республика босқичларида эса 1 та ўрин жорий этилади.

Ҳудудий босқич ғолиблари “Ташаббус” кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларининг тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинади ва тақдирланади. Ҳудудий босқичда 1-ўринни қўлга киритган лойиҳа (яъни жами 14 та лойиҳа)лар “Ташаббус” кўрик-танловининг ҳудудий Ташкилий қўмитаси томонидан республика Ташкилий қўмитасига Ишчи штаби (Савдо-саноат палатаси Ижроия қўмитаси)га тақдим этилади.

Республика ташкилий қўмитаси томонидан 14 та лойиҳа ўрганиб чиқилади, баҳоланади ва 1 та ғолиб аниқланади. Ушбу ғолиб “Ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичи тантанали тақдимот маросимида ўқиб эшиттирилади ва тақдирланади.

Ғолибларга Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг махсус дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари берилади.

## VI. Кўрик-танлов Ҳакамлар ҳайъати

6.1. Ташкилий қўмиталар “Йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши фермери”, “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” йўналишлари бўйича, туман (шаҳар) босқичларида 5 кишидан ҳамда вилоятлар ва республика босқичларида ҳар бир йўналиш учун 7 кишидан иборат (жами 21 нафар) ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва бош ҳакамни белгилайдилар ва тасдиқлайдилар (ҳаммаси 22 нафар). Ҳар бир йўналиш бўйича 7

кишидан иборат ҳакамлар гуруҳи ўзаро келишган ҳолда гуруҳидан бир кишини ҳакамлар ҳайъати раиси этиб белгилаб оладилар.

Кўрик-танлов иштирокчилари фаолиятини баҳолашда объективлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати таркиби:

- “Йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши фермери”, “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” йўналишлари бўйича бевосита мазкур йўналишлар фаолиятига алоқадор идоралар расмий мурожаатига кўра тавсия этилган мутахассислардан;
- маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудлардаги ташкилий қўмиталар, кўрик-танловнинг асосий ташкилотчилари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бозор инфратузилмаси ҳисобланган ташкилотлар вакилларидан;
- соҳага алоқадор олимлар, халқ устаси унвонига эга бўлган уста ҳунурмандлар ва тадбиркорлардан шакллантирилади;
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермерлари Кенгаши, халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси масъул ходимлари кўрик-танлов Ҳакамлар ҳайъати таркибига киритилмайди.

6.2. Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов иштирокчиси фаолиятини ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда баҳолайди.

“Тадбиркор” ва “фермер” йўналиши иштирокчилари фаолиятнинг сўнгги 2 йили учун бухгалтерия баланси (1-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар тадбиркордан қабул қилинмайди. Аксинча, туман (шаҳар) ташкилий қўмита сўровига кўра молиявий ҳужжатлар тадбиркор ва фермер хўжалиги жойлашган туман (шаҳар) солиқ органлари томонидан Ташкилий қўмитага берилади.

Ташкилий қўмита томонидан молиявий ҳужжатлар аноним шаклга келтирилади ва шифрланади. Аноним шаклга келтирилган ва шифрланган баланслар Ташкилий қўмита раиси томонидан ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Ҳакамлар ҳайъати “Тадбиркор” ва “Фермер” йўналишларининг асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланган корхонанинг сўнгги икки йиллик баланс ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳужжатларни Ташкилий қўмита таркибида бўлган Солиқ идоралари, Фермерлар кенгаши ва Савдо-саноат палатасининг ҳудудий тузилмалари масъул ходимлари иштирокида алоҳида кўриб чиқилади ва баҳоланади, сўнгра барча иштирокчиларнинг баланс баллари алоҳида ҳужжатда расмийлаштириб якуний баённомага илова қилинади.

Танловнинг 2-босқичи, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида туман (шаҳар) босқичида ҳисоблаб чиқарилган баланс бали ижро учун қабул қилинади, туман (шаҳар) ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳисобланган баллар 2-босқич ҳакамлар ҳайъати томонидан танланма кузатув тарзда текшириб кўрилади (чунки бир баланс бир ҳил меъзон ва белгиланган бир хил тартибда баҳоланганда натижа ҳам бир хил чиқиши табиий).

Танловнинг 3-босқичи, яъни республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ҳисоблаб чиқарилган баланс бали ижро учун қабул қилинади, 2-босқич ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳисобланган баллар 3-босқич ҳакамлар ҳайъати томонидан қайта текшириб кўрилади (чунки бир баланс бир ҳил меъзон ва белгиланган бир хил тартибда баҳоланганда натижа ҳам бир хил чиқиши табиий).

6.3. Кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъатининг мажлиси баённомаси кўрик-танлов ғолибини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

## VII. Кўрик-танловнинг иштирокчилари

7.1. Кўрик-танловда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган оилавий корхоналар ҳамда камида уч йил мобайнида узлуксиз тадбиркорлик (шу жумладан, фермерлик ва ҳунармандчилик) фаолияти билан шуғулланиб келаётган кичик бизнес вакиллари ҳисобланган тадбиркорлар иштирок этади.

7.2. **“Йилнинг энг яхши тадбиркори”** номинацияси бўйича иштирокчи қуйидаги мезон талабларига жавоб бериши лозим:

- мулкчилик шакли: хусусий, жамоа, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки фуқаролари улуши 51 фоиз ва ундан ортиқ бўлган қўшма корхоналар;
- ташкилий-ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамият, хусусий корхона, оилавий корхона, якка тартибдаги тадбиркор;
- иштирокчи танлов кунига қадар 18 ёшга тўлган;
- фаолият тури классификацияси: кичик корхона , микрофирма;
- фаолият соҳаси: чегараланмаган (фермерчилик ва хунармандчилик бундан мустасно);

Танловда қуйидаги тадбиркорлар ёки шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:

- танлов тарихида бир маротаба бўлсада унинг республика босқичида совриндор бўлган (асосий ва қўшимча номинациялар бўйича) бўлган тадбиркорлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланган шахслар (давлат ҳокимияти ва бошкарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар, давлат корхоналари, муассасалар, ташкилотлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлари, давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари), давлат бошқаруви, назорат қилувчи органлар ходимларининг яқин қариндошлари (Оила кодексининг 57-моддасида назарда тутилган) ҳамда мазкур органларнинг собиқ ходимларига қарашли, шундай таъсисчига эга ёки шундай ходимлар бошқарувида бўлган тадбиркорлар;
- сўнгги 3 йилда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган ва бахтсиз ҳодиса рўй берган тадбиркорлик субъектлари (ушбу маълумотлар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тасдиқланган маълумотномада батафсил баён этилиши ва ҳужжатлар таркибида тақдим этилиши лозим).
- бюджет олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан қарзи мавжуд, санация қўлланилган, банкрот деб эътироф этилган, шу билан бирга унга нисбатан турли санкциялар эълон қилинган тадбиркорлик субъектлари.

7.3. **“Йилнинг энг яхши фермери”** йўналиши бўйича иштирокчи қуйидаги мезон талабларига жавоб бериши лозим:

- мулкчилик шакли: хусусий;
- ташкилий-ҳуқуқий шакли: фермер;
- фаолият тури классификацияси: кичик, микро;
- иштирокчи танлов кунига қадар 18 ёшга тўлган;
- фаолият соҳаси (йўналиши): чегараланмаган;

Танловда қуйидаги фермер хўжаликлари ёки шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:

- танлов тарихида бир маротаба бўлсада унинг республика босқичида совриндор бўлган (асосий ва қўшимча номинациялар бўйича) бўлган фермерлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланган шахслар (давлат ҳокимияти ва бошкарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар, давлат корхоналари, муассасалар, ташкилотлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлари, давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари), давлат бошқаруви, назорат қилувчи органлар ходимларининг яқин қариндошлари (Оила кодексининг 57-моддасида назарда тутилган) ҳамда мазкур органларнинг собиқ ходимларига қарашли, шундай таъсисчига эга ёки шундай ходимлар бошқарувида бўлган фермерлар;
- сўнгги 3 йилда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган ва бахтсиз ҳодиса рўй берган фермер хўжаликлари (ушбу маълумотлар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тасдиқланган маълумотномада батафсил баён этилиши ва ҳужжатлар таркибида тақдим этилиши лозим).
- бюджет олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан қарзи мавжуд, санация қўлланилган, банкрот деб эътироф этилган, шу билан бирга унга нисбатан турли санкциялар эълон қилинган фермерлар.

7.4. **“Йилнинг энг яхши ҳунарманди”** йўналиши бўйича иштирокчи қуйидаги мезон талабларига жавоб бериши лозим:

- мулкчилик шакли: хусусий тадбиркор;
- фаолият соҳаси: амалий саънат, миллий ҳунармандчилик;
- иштирокчи танлов кунига қадар 25 ёшга тўлган;
- йўналиш: чегараланмаган;

Танловда қуйидаги ҳунармандлар ёки шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:

- танлов тарихида бир маротаба бўлсада унинг республика босқичида совриндор бўлган (асосий ва қўшимча номинациялар бўйича) бўлган ҳунармандлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланган шахслар (давлат ҳокимияти ва бошкарув органларининг, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар, давлат корхоналари, муассасалар, ташкилотлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлари, давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари), давлат бошқаруви, назорат қилувчи органлар ходимларининг яқин қариндошлари (Оила кодексининг 57-моддасида назарда тутилган) ҳамда мазкур органларнинг собиқ ходимларига қарашли, шундай таъсисчига эга ёки шундай ходимлар бошқарувида бўлган ҳунармандлар.

## VIII. Кўрик-танловда иштирок этиш учун топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар

8.1. Иштирокчиларнинг ҳужжатларининг сифатли тайёрланиши юзасидан республика Ташкилий қўмитасидан ҳудудга бириктирилган аъзолар билан бирга:

- тадбиркорлик йўналиши бўйича Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари раҳбарлари;
- фермерлик йўналиши бўйича Ўзбекистон Фермерлари Кенгашининг ҳудудий фермерлар кенгашлари раҳбарлари;
- ҳунармандчилик йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси ҳудудий бўлимлари раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

8.2. Ҳудудий босқичлар ташкилий қўмиталари қуйидагилар учун масъул ҳисобланади:

- ҳудудий босқичларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ маблағларни шакллантириш;
- ҳудудий босқичларда энг яхши тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг иштирок этишини ташкиллаштириш;
- ҳудудий босқичларни мазкур Низом талаблари асосида, юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилиши;
- танловнинг республика босқичи иштирокчилари ҳужжатларининг ўз вақтида ва белгиланган тартиб, таркибда тайёрланиши, республика босқичи ишчи штабига Палатанинг ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан 2016 йилнинг **19 март** кунига қадар топширилиши;
- кўрик-танлов республика босқичи иштирокчиларининг барча тегишли ҳужжатларини ташкилий қўмита қарори ҳамда ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаш мезонлари асосида берилган ҳулосасига асосан кўрик-танловнинг республика босқичи ишчи штабига тақдим этилиши.

8.3. Кўрик-танловнинг барча босқичларида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намойиш-кўргазмаси ташкил этилади. Мазкур кўргазмада иштирокчилар ўз маҳсулотлари кўргазмасини ташкил қилиши шарт (TSHB16_VISTAVKA 1-илова).

8.4. “Йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши фермери”, “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” йўналишлари бўйича иштирок этиш учун номзодлар кўрик-танлов бошланишига қадар камида 10 кун давомида кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичи ташкилий қўмитасига **қуйида келтирилаётган** ҳужжатларни айнан кетма-кетликда тақдим этишлари талаб этилади.

Тақдим этиладиган ҳужжатлардан ташқари, иштирокчининг фаолият (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа) жараёнини акс эттирувчи рақамли видеоматериалларни илова қилиш зарур. Ушбу видеоматериаллар кўргазма ва тантанали маросимлар вақтида намойиш этилади.

**1) “Тадбиркорлик” йўналиши бўйича**

**a) иштирокчи кўрик-танловда иштирокига қадар қуйидаги ҳужжатларни тўлиқ тақдим этиши шарт:**

- кўрик-танловда иштирок этиш учун босқич ташкилий қўмитаси раисининг номига иширокчи томонидан имзоланган ариза (TSHB16_APPL.BUSI 2-илова):
- кўрик-танлов иштирокчисининг махсус анкетаси (TSHB16_ANKET.BUSI 3.1, 3.2, 3.3-илова):
- Иштирокчининг кадрлар бўлими раҳбари томонидан тасдиқланган, рангли фотосуратли, яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотнома-объективкаси;
- иштирокчи паспорти нусҳаси;
- кўрик-танлов иштирокчисининг 4 дона (3,5х4,5) фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);
- иштирокчи корхонаси фаолияти тўғрисида қисқача ёзма статистик маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаганлик тўғрисида тасдиқланган маълумотнома;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида солиқ идоралари томонидан тасдиқланган маълумотнома;
- фаолиятини акс этирувчи видео (10 дақиқадан кўп бўлмаган, 5 дақиқадан кам бўлмаган) ва рақамли фотоматериаллар (TSHB16_VIDEO 4-илова);
- кўрик-танловда иштирок этиш учун иштирокчи томонидан тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхати (TSHB16_LIST 5-илова).
- хизмат кўрсатувчи банкнинг тадбиркор тўғрисидаги тавсифномаси ва тадбиркорнинг кредит рейтинглари (TSHB16_BANK 6-илова);
- корхонадаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолияти тўғрисида ҳудудий касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тасдиқланган маълумотнома.
- сўнгги 3 йилда танлов иштирокчиси бўлган тадбиркорлик субъектида бахтсиз ҳодиса рўй берган ёки бермаганлиги юзасидан ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тасдиқланган батафсил маълумотнома.

**b) қуйидаги қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш иштирокчига қўшимча бал жамғаришга имкон беради:**

- 2016 йил учун корхонанинг ривожланиш бизнес-режаси, шунингдек, (республика) вилоят микёсида корхонанинг имиджини орттирган, асл ғояларга эга ўтган йиллардаги бизнес-режалари;
- ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида эришилган (кутилаётган) муваффақиятлар тўғрисида маълумот (TSHB16_MODERN 7-илова);
- 2014-2015 йилларда хорижий ҳамкорлар билан тузилган, амалга оширилган (амалга оширилаётган) шартномалар ва божхона юк декларациясини илова қилган ҳолда (TSHB16_EXIM 8-илова) ташқи иқтисодий фаолият (маҳсулот ва хизматлар экспорт-импорти) тўғрисида маълумот;
- умумэътироф қилинганлиги ва бренди (фирма номи, логотипи ва бошқалари) тўғрисида Интеллектуал мулк Агентлиги томонидан тасдиқланган маълумотнома (TSHB16_BRAND 9-илова);
- Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига аъзолик тўғрисидаги шартнома ёки гувоҳнома, шунингдек, ўтган давр учун аъзолик бадаллари тўловини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- эришилган муваффақиятларни тасдиқловчи диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномалар (хусусан, корхона ходим (мутахассис)ларини ўқитиш ёки қайта тайёрлаш бўйича сертификатлар) нусхалари;
- ҳомийлик ишларини тасдиқловчи ҳужжат (TSHB16_CHARITY №10 илова);
- корхона раҳбари, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш Маркази ва статистика бўлими томонидан тасдиқланган ишчиларининг ёши кўрсатилган маълумотнома, унда коллеж битирувчилар ҳисобланган ишчилар алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим (TSHB16_IMPLOY №13-илова).

**2) “Фермерлик” йўналиши бўйича**

**а) Иштирокчи кўрик-танловдаги иштирокига қадар қуйидаги ҳужжатларни тўлиқ тақдим этиши шарт:**

- кўрик-танловда иштирок этиш учун тегишли босқичи ташкилий қўмитаси раиси номига иширокчи томонидан имзоланган ариза (TSHB16_ APPL.FARM 2-илова):
- кўрик-танлов иштирокчисининг махсус анкетаси (TSHB16_ANKET.FARM 3-илова):
- иштирокчининг кадрлар бўлими раҳбари томонидан тасдиқланган, рангли фотосуратли, яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотнома-объективкаси;
- иштирокчи паспорти нусҳаси;
- кўрик-танлов иштирокчисининг 4 дона (3,5x4,5) фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);
- хўжалик фаолияти тўғрисида қисқача ёзма статистик маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаси;
- солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаганлик тўғрисида тасдиқланган маълумотнома;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида солиқ идоралари томонидан тасдиқланган маълумотнома;
- фаолиятини акс эттирувчи видео (10 дақиқадан кўп бўлмаган, 5 дақиқадан кам бўлмаган) ва рақамли фотоматериаллар (TSHB16_VIDEO 4-илова);
- кўрик-танловда иштирок этиш учун иштирокчи томонидан тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхати, пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартномавий режанинг

бажарилиши, фермер хўжалигининг кўп тармоқлари, фермер хўжалигида хизмат кўрсатиш фаолиятининг ташкил этилганлиги тўғрисида маълумотлар (TSHB16_LIST 5, 5.1, 5.2, 5.3-илова);

- хизмат кўрсатувчи банкнинг фермер хўжалиги тўғрисидаги тавсифномаси ва кредит рейтинглари (TSHB16_BANK 6-илова);
- фермер хўжалигидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолияти тўғрисида ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тасдиқланган маълумотнома.
- сўнгги 3 йилда танлов иштирокчиси бўлган фермер хўжалигида бахтсиз ҳодиса рўй берган ёки бермаганлиги юзасидан ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тасдиқланган батафсил маълумотнома.

**b) Қуйидаги қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш иштирокчига қўшимча бал жамғаришга имкон беради:**

- 2016 йил учун корхонанинг ривожланиш бизнес-режаси, шунингдек, (республика) вилоят миқёсида корхонанинг имиджини орттирган, асл ғояларга эга ўтган йиллардаги бизнес-режалари;
- ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида эришилган (кутилаётган) муваффақиятлар тўғрисида маълумот (TSHB16_MODERN 7-илова);
- 2014-2015 йилларда хорижий ҳамкорлар билан тузилган, амалга оширилган (амалга оширилаётган) шартномалари ва божхона юк декларациясини илова қилган ҳолда (TSHB16_EXIM 8-илова) ташқи иқтисодий фаолият (маҳсулот ва хизматлар экспорт-импорти) тўғрисида маълумот;
- умумэътироф қилинганлиги ва бренди (фирма номи, логотипи ва бошқалари) тўғрисида Интеллектуал мулк Агентлиги томонидан тасдиқланган маълумотнома (TSHB16_BRAND 9-илова);
- Ўзбекистон Фермерлари Кенгашига аъзолик тўғрисидаги шартнома ёки гувоҳнома, шунингдек, ўтган давр учун аъзолик бадаллари тўловини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- эришилган муваффақиятларни тасдиқловчи диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномалар (хусусан, корхона ходим (мутахассис)ларини ўқитиш ёки қайта тайёрлаш бўйича сертификатлар) нусхаси;
- ҳомийлик ишларини тасдиқловчи ҳужжат (TSHB16_CHARITY 10-илова);
- корхона раҳбари, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш Маркази ва статистика бўлими томонидан тасдиқланган ишчиларининг ёши кўрсатилган маълумотнома, унда коллеж битирувчилар ҳисобланган ишчилар алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим (TSHB16_IMPLOY №13-илова).

### 3) “Ҳунармандчилик” йўналиши бўйича

**а) Иштирокчи кўрик-танловдаги иштирокига қадар қуйидаги ҳужжатларни тўлиқ тақдим этиши шарт:**

- кўрик-танловда иштирок этиш учун тегишли ташкилий қўмитаси раиси номига иштирокчи томонидан имзоланган ариза (TSHB16_APPL.HAND 2-илова);
- кўрик-танлов иштирокчисининг 4 дона (3,5х4,5) фотосурати (шунингдек, электрон шаклда) ва махсус анкетаси (TSHB16_ANKET. HAND 3-илова);
- Иштирокчининг рангли фотосуратли, яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотнома-объективкаси;

- иштирокчи паспорти нусҳаси;
- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- фаолиятини акс этирувчи видео (10 дақиқадан кўп бўлмаган, 5 дақиқадан кам бўлмаган) ва рақамли фотоматериаллар (TSHB16_VIDEO 4-илова);
- кўрик-танловда иштирок этиш учун иштирокчи томонидан тақдим этиладиган маҳсулотлар (шунингдек, ўқувчилар ишлари) рўйхати ва тайёр ишлар безаги (TSHB16_LIST 5-илова).
- сўнгги 2 йил давомида олинган фойда тўғрисида маълумот ва истиқболли ривожланиш режаси;
- ўқувчилари рўйхати ва 2015 йил фаолият давомида ташкил этилган "Уста-Шогирд" курслари тўғрисида маълумот ва ўтказилган дастурлари илова қилинсин (TSHB16_M.KLASS 6-илова);
- эксперт тавсифномаси (Ўзбекистон Бадиий Академияси ёки "Хунарманд" уюшмаси томонидан тақдим этилади);
- миллий санъатни қайта тиклашдаги ишлари тўғрисида "Ҳунарманд" уюшмасининг хулосаси;
- умумэътироф қилинганлиги ва бренди (фирма номи, логотипи ва бошқалари) тўғрисида Интеллектуал мулк Агентлиги томонидан тасдиқланган маълумотнома (TSHB16_BRAND 9-илова);
- ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан берилган ҳунарманднинг ёки унинг оилавий корхонасининг касаба уюшмаси аъзолигини тасдиқловчи ҳужжат.

**b) қуйидаги қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш иштирокчига қўшимча балл жамғаришга имкон беради:**

- 2014-2015 йилларда хорижий ҳамкорлар билан тузилган, амалга оширилган (амалга оширилаётган) шартномалари ва божхона юк декларациясини илова қилган ҳолда (TSHB16_EXIM 8-илова) маҳсулот ва хизматлар экспорти тўғрисида маълумот ва буюртмачи ёки мижозлар рўйхати;
- имконияти чекланган ҳунарманд шахсларни ўқитиш ва мурувват ишларини тасдиқловчи хужжат (TSHB16_CHARITY 10-илова);
- эришилган муваффақиятларни тасдиқловчи диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномалар нусхаси;
- "Ҳунарманд" уюшмасига аъзолик тўғрисидаги шартнома ёки гувоҳнома, шунингдек, ўтган давр учун аъзолик бадаллари тўловини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Ҳайъат аъзоларининг вилоят босқичи ғолиблари тўғрисидаги маълумотига асосан "Ташаббус-2016" китобчаси нашр этилади (TSHB16_BROCH 11-илова).

Иштирокчиларнинг ҳужжатлари тегишли ташкилий қўмиталарнинг котибиятларида 6 (олти) ой давомида сақланади, сўнгра ўрнатилган тартибда архивга топширилади.

## IX. Кўрик-танлов иштирокчилари фаолиятини баҳолаш

Танловнинг ҳакамлар ҳайъат аъзолари тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар бўйича қуйидаги мезонлар асосида номзодлар фаолиятини ўрганади, тегишли билдиришнома (хулоса) (TSHB_CONC_BUS15, TSHB_CONC_FARM15, TSHB_CONC_HAND15-иловалар) тузади.

## *9.1 “Йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналиши бўйича баҳолаш мезонлари.*

<table>
<tr><th colspan="4">Энг юқори бал</th><th>200 бал</th></tr>
<tr><th>№</th><th colspan="2">Баҳолаш мезонлари</th><th>Мезон бўйича энг юқори бал</th><th>Баҳолашга асос бўлувчи ҳужжат ва омиллар</th></tr>
<tr><td colspan="5">АСОСИЙ МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА (150 бал, 75%)</td></tr>
<tr><td colspan="5">а) Ишлаб чиқариш фаолияти:</td></tr>
<tr><td>9.1.1</td><td colspan="2">Корхона баланси; иштирокчи-корхонанинг молиявий барқарорлиги қуйидаги коэффициентларни ҳисоблаш орқали балансни таҳлил қилиш асосида аниқланади:<br>тўлов қобилияти коэффициенти (тқК);<br>Ўз маблағлари ва дебиторлик маблағларининг алоқадорлик коэффициенти (шдК);<br>молиявий мустақиллик коэффициенти (ммК);<br>Ўз айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (атК)</td><td>30<br>(15%)</td><td rowspan="2">ДСИ томонидан тасдиқланган:<br>▪ фаолиятнинг сўнги 2 йили учун бухгалтерия баланси (1-шакл);<br>▪ молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл);<br>▪ қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботи (умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхоналар учун);<br>▪ ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоботи (соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар учун)<br>▪ TSHB16_BANK 6-илова.<br>Мазкур мезон бўйича баҳолаш Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади. (Маълумотларнинг ҳақиқийлигига тадбиркор жавобгар)</td></tr>
<tr><td>9.1.2</td><td colspan="2">Иш ҳақи, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қарздорлик,<br>2 йил мобайнида дебитор ва кредитор қарзлар, шунингдек банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарзларнинг мавжудлиги</td><td>10<br>(5%)</td></tr>
<tr><td>9.1.3</td><td colspan="2">Ташқи иқтисодий фаолият, экспортга мўлжаланган маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш (2015 йилда экспорт ҳажми асосида)</td><td>25<br>(12,5%)</td><td>▪ TSHB16_LIST 5-илова.<br>▪ TSHB16_EXIM 8-илова</td></tr>
<tr><td>9.1.4</td><td colspan="2">Корхона фаолиятига жорий қилинган инновацион технологиялар</td><td>15<br>(7,5%)</td><td>▪ (республика) вилоят миқёсида корхонага маълум мавқе келтирган, асл ғояларга эга ўтган йиллардаги бизнес-режалар.<br>▪ TSHB16_MODERN №7</td></tr>
<tr><td colspan="5">б) Ижтимоий аҳамиятлилик:</td></tr>
<tr><td>9.1.5</td><td colspan="2">Умумэътироф этилганлиги, бренди (фирма номи, логотип ва бошқалар)нинг машҳурлиги</td><td>10<br>(5%)</td><td>▪ TSHB16_BRAND 9-илова;<br>▪ Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг кўргазма давридаги қарори</td></tr>
<tr><td>9.1.6</td><td colspan="2">Ҳомийлик ишлари</td><td>10<br>(5%)</td><td>▪ TSHB16_CHARITY 10-илова</td></tr>
<tr><td rowspan="2">9.1.7</td><td rowspan="2">Ҳисобот даврида яратилган янги доимий иш ўринлари</td><td>15 дан ортиқ</td><td>20<br>(10%)</td><td rowspan="2">▪ туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш Маркази маълумотномаси</td></tr>
<tr><td>10 дан ортиқ</td><td>15</td></tr>
</table>

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | (7,5%) | TSHB16_IMPLOY 13-илова |
| | | 10 дан кам | **10** (5%) | |
| *9.1.8* | Ишчилар таркибида ёшларнинг улуши | | **5** (2,5%) | ▪ Корхона раҳбари, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш Маркази ва статистика бўлими томонидан тасдиқланган ишчиларининг ёши кўрсатилган ҳолатдаги маълумотнома TSHB16_IMPLOY 13-илова |
| ***в) Маҳсулот ва хизматлар кўргазмаси*** | | | | |
| *9.1.9* | Хизмат турлари ва ўз маҳсулотини кўргазмада намойиш қилиш даражаси. Хизмат турлари ва ўз маҳсулотини намойиш (реклама) қилишда раҳбар қобилияти. Маҳсулотлар ёки хизматлар учун патент /сертификатларнинг мавжудлиги | | **25** (12,5%) | ▪ кўргазма (реклама стендлари, буклетлар, видеороликлар, намойиш сифати ва бошқалар) давомида ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан кузатиш орқали баҳоланади |
| **ҚЎШИМЧА МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА (50 бал, 25%)** | | | | |
| ***г) Фаолллик ва реклама фаолияти даражаси*** | | | | |
| *9.1.10* | Халқаро ва республика кўрик-танловлари, кўргазма ва ярмаркаларида иштироки | | **10** (5%) | ▪ TSHB16_ANKET.BUSI 3.2-илова;<br>▪ Иштирокини тасдиқловчи диплом ва сертификатлар нусхаси. |
| *9.1.11* | Семинар ва ўқувларда иштирок этиш, қўшимча махсус ва бизнес таълим, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш | | **5** (2,5%) | ▪ TSHB16_ANKET.BUSI 3.3-илова;<br>▪ диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномалар (хусусан, корхона ходим (мутахассис)ларини ўқитиш ёки қайта тайёрлаш бўйича сертификатлар) нусхаси |
| *9.1.12* | Касаба уюшмаси ташкилотининг мавжудлиги | | **10** (5%) | ▪ Туман (шаҳар) Касаба уюшмаси маълумотномаси, танловнинг республика босқичи учун ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маълумотномаси |
| *9.1.13* | Ахборот технологиялардан фойдаланиш, ўз интернет сайтига эгалиги, реклама маҳсулотлари (баннерлар, проспектлар, роликлар ва бошқалар)нинг жозибадорлиги ва ижро сифати | | **15** (7,5%) | ▪ Веб-сайти, электрон почтаси мавжудлиги (веб-сайтининг босма ёки демо шакли);<br>▪ Электрон рақамли имзонинг мавжудлиги, солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон тарзда топшираётганлиги тўғрисида ДСИ маълумотномаси |
| ***д) Корпоративлилик:*** | | | | |
| *9.1.14* | Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига аъзолик | 3 йил ёки ундан ортиқ | **10** (5%) | ▪ Савдо саноат палатасига аъзолиги ва тўловларнинг |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2 йилдан 3 йилгача | **7** (3,5%) | амалга оширилганлиги тўғрисидаги ССП ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома ҳамда аъзолик гувоҳномаси нусхаси |
| | | 2 йилгача | **3** (1,5%) | |

## *9.2 “Йилнинг энг яхши фермери” йўналиши бўйича баҳолаш мезонлари*

| **Энг юқори бал** | | | **200 бал** |
|---|---|---|---|
| **№** | **Баҳолаш мезонлари** | **Мезон бўйича энг юқори бал** | **Баҳолашга асос бўлувчи ҳужжат ва омиллар** |
| **АСОСИЙ МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА (150 бал, 75%)** | | | |
| ***а) Ишлаб чиқариш фаолияти:*** | | | |
| *9.2.1* | Корхона баланси; иштирокчи-корхонанинг молиявий барқарорлиги қуйидаги коэффициентларни ҳисоблаш орқали балансни таҳлил қилиш асосида аниқланади:<br>тўлов қобилияти коэффициенти (тқК);<br>Ўз маблағлари ва дебиторлик маблағларининг алоқадорлик коэффициенти (шдК);<br>молиявий мустақиллик коэффициенти (ммК);<br>Ўз айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (атК) | **30** (15%) | **ДСИ томонидан тасдиқланган:**<br>▪ фаолиятнинг сўнги 2 йили учун бухгалтерия баланси (1-шакл);<br>▪ молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл);<br>▪ қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботи (умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхоналар учун);<br>▪ ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоботи (соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар учун)<br>▪ TSHB16_BANK 6-илова<br>Мазкур мезон бўйича баҳолаш Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади. (Маълумотларнинг ҳақиқийлигига фермер хўжалиги раҳбари жавобгар) |
| *9.2.2* | Иш ҳақи, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қарздорлик;<br>2 йил мобайнида дебитор ва кредитор қарзлар, шунингдек банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарзларнинг мавжудлиги | **10** (5%) | |
| *9.2.3* | Фермер хўжалигининг кўп тармоқли эканлиги. | **10** (5%) | ▪ TSHB16_LIST 5.1-илова (Ўзбекистон Фермери Кенгаши томонидан тасдиқланган) |
| *9.2.4* | Давлат буюртмаси бўйича пахта хом ашёси ва ғалла етиштираётганлиги | **10** (5%) | ▪ TSHB16_LIST 5.2-илова (туман статистика бўлими томонидан тақдим этилган давлат буюртмаси бўйича етиштирилган маҳсулот миқдори ва режанинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотнома).<br>▪ Пахта тозалаш ва дон маҳсулотлари корхоналари билан тузилган шартнома нусхалари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| *9.2.5* | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш фаолияти, қайта ишланадиган маҳсулотлар тури, миқдори, маҳсулотлар ёки хизматлар учун патент ёки сертификатларнинг мавжудлиги | | **15**<br>(7,5%) | ▪ TSHB16_LIST 5.1-илова;<br>▪ статистика бўлими маълумотномаси;<br>▪ патент ёки сертификатларнинг нусхаси |
| *9.2.6* | Фермер хўжалигида хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкил этилганлиги, кўрсатилган хизматлар тури ва миқдори | | **10**<br>(5%) | ▪ TSHB16_LIST 5.3-илова;<br>▪ ҳокимият томонидан тасдиқланган статистика бошқармасининг маълумотномаси |
| ***б) Ижтимоий аҳамиятлилик:*** | | | | |
| *9.2.7* | Умумэътироф этилганлиги, бренди (фирма номи, логотип ва бошқалар)нинг машҳурлиги | | **5**<br>(2,5%) | ▪ TSHB16_BRAND 9-илова;<br>▪ ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг кўргазма давридаги қарори |
| *9.2.8* | Ҳисобот даврида яратилган янги доимий иш ўринлари | 15 дан ортиқ | **15**<br>(7,5%) | ▪ туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш Маркази маълумотномаси TSHB16_IMPLOY 13-илова |
| | | 10 дан ортиқ | **12**<br>(6%) | |
| | | 10 дан кам | **7**<br>(3,5%) | |
| *9.2.9* | Ишчилар таркибида ёшларнинг улуши | | **5**<br>(2,5%) | ▪ Корхона раҳбари ва статистика бошқармалари томонидан тасдиқланган ишчиларининг ёши кўрсатилган ҳолатдаги маълумотнома TSHB16_IMPLOY 13-илова |
| *9.2.10* | Ҳомийлик ишлари | | **10**<br>(5%) | ▪ TSHB16_CHARITY 10-илова. |
| ***в) Маҳсулот ва хизматлар кўргазмаси*** | | | | |
| *9.2.11* | Хизмат турлари ва ўз маҳсулотини кўргазмада намойиш қилиш даражаси, уларни намойиш (реклама) қилишда раҳбар қобилияти | | **30**<br>(15%) | ▪ кўргазма (реклама стендлари, буклетлар, видеороликлар, намойиш сифати ва бошқалар) давомида ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан кузатиш орқали баҳоланади |
| **ҚЎШИМЧА МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА (50 бал, 25%)** | | | | |
| ***г) Фаоллик ва реклама фаолияти даражаси*** | | | | |
| 9.2.12 | Халқаро ва республика кўрик-танловлари, кўргазма ва ярмаркаларида иштироки | | **5**<br>(2,5%) | ▪ TSHB16_ANKET.FARM 3-илова;<br>▪ иштирокини тасдиқловчи диплом ва сертификатлар нусхаси |
| 9.2.13 | Ернинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ютуқлар таснифи | | **5**<br>(2,5%) | ▪ Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан ҳужжат тақдим этилади |
| 9.2.14 | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда, маҳсулотларни қайта ишлашда инновацион технологиялардан фойдаланилганлик | | **10**<br>(5%) | ▪ TSHB16_MODERN 7-илова; (Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши томонидан тасдиқланган). |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9.2.15 | Касаба уюшмаси ташкилотининг мавжудлиги | **5** (2,5%) | ▪ Туман (шаҳар) Касаба уюшмаси маълумотномаси |
| 9.2.16 | Ахборот технологиялардан фойдаланиш, ўз интернет сайтига эгалиги, реклама маҳсулотлари (баннерлар, проспектлар, роликлар ва бошқалар)нинг жозибадорлиги ва ижро сифати | **15** (7,5%) | ▪ Веб-сайти, электрон почтаси мавжудлиги (веб-сайтининг босма ёки демо шакли); ▪ Электрон рақамли имзонинг мавжудлиги, солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон тарзда топшираётганлиги тўғрисида ДСИ маълумотномаси |

***д) Корпоративлилик:***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9.2.17 | Ўзбекистон Фермерлари Кенгашига ёки ҳудудий фермерлар кенгашига аъзолик | 3 йил ёки ундан ортиқ | **10** (5%) | ▪ Ўзбекистон Фермери Кенгаши ёки ҳудудий фермерлар кенгаши томонидан тақдим этилган маълумотнома ва гувоҳнома нусхаси |
| | | 2 йилдан 3 йилгача | **7** (3,5%) | |
| | | 2 йилгача | **3** (1,5%) | |

## *9.3 “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” йўналиши бўйича баҳолаш мезонлари*

| **№** | **Баҳолаш мезонлари** | **Мезон бўйича энг юқори бал** | **Баҳолашга асос бўлувчи ҳужжат ва омиллар** |
|---|---|---|---|
| **Энг юқори бал** | | | **200 бал** |
| **АСОСИЙ МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА (145 бал, 72,5%)** | | | |
| ***а) Ишлаб чиқариш фаолияти:*** | | | |
| 9.3.1 | Якка (хусусий) тадбиркорлик учун патентга эгалик | **15** (7,5%) | • TSHB16_ANKET.HAND 3-илова; Патентнинг асл нусхаси |
| 9.3.2 | Сўнги 2 йилдаги даромадлари ҳақида маълумотнома ва истиқболли ривожланиш режаси | **15** (7,5%) | ▪ сўнги 2 йил учун даромадлар ҳақида маълумотнома ва истиқболли ривожланиш режаси. |
| 9.3.3 | Ҳунармандчиликнинг мазкур турини мамлакатимизда кенг жорий этиш ҳамда ривожлантириш орқали қўшимча ишчи ўринлари яратиш, оилавий бизнесни ривожлантириш имкониятлари | **25** (12,5%) | ▪ Савдо-саноат палатаси ва “Ҳунарманд” уюшмаси хулосаси (тасдиғи) |
| 9.3.4 | Ҳунарманд томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга маҳаллий ва хорижий бозорда талабнинг юқорилиги | **25** (12,5%) | ▪ Савдо-саноат палатаси ва “Ҳунарманд” уюшмаси хулосаси (тасдиғи) |
| 9.3.5 | Устанинг ўз иш фаолияти, унинг ривожланиш тарихи ва ҳунари хусусиятларини шарҳлаш (ўз ишини намойиш қилиш) қобилияти | **15** (7,5%) | **кўргазма вақтида** ▪ TSHB16_ANKET. HAND 3-илова; ▪ TSHB16_VIDEO 4-илова; ▪ эришган муваффақиятларини тасдиқловчи диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномаларнинг нусхаси; ▪ тайёр ишлар безаги |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9.3.6 | Ҳунармандчилик ишлари ва маҳсулотларининг халқ амалий санъатнинг юксак намуналарига мувофиқлиги | **15** (7,5%) | ▪ эксперт тавсифномаси (Ўзбекистон Бадиий Академияси ёки “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан тақдим этилади); ▪ миллий санъатни қайта тиклашдаги ишлари тўғрисида “Ҳунарманд” уюшмасининг хулосаси |
| 9.3.7 | Ҳунармандчилик ишлари ва маҳсулотларида янгиликларнинг мавжудлиги. Янги турдаги маҳаллий хом ашёлар, хусусан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш. Фаолияти давомида қандай ташаббускорлик кўрсатган. Маҳсулотлар ёки хизматлар учун патент/сертификатларнинг мавжудлиги | **10** (5%) | ▪ “Ҳунарманд” уюшмасининг хулосаси (тасдиғи) |
| 9.3.8 | Уста-шогирдларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича қадимги махсус мактаб (студия, устахона)лар ташкил этиш, қадимги ишлаб чиқаришни тиклашни йўлга қўйиш | **15** (7,5%) | **кўргазма вақтида** ▪ ўқувчиларнинг иш наъмуналари асосида баҳоланади; ▪ TSHB16_VIDEO 4-илова |
| 9.3.9 | Иш маҳсуллари экспозицияси, экспозиция даврида “Уста-Шогирд” жараёнини ўтказиш. Кўргазмада маҳсулотлар хилма-хиллиги (кўргазмага олиб келинган маҳсулотлар такрорланмаслиги лозим) | **10** (5%) | **кўргазма вақтида** ▪ тайёр ишлар безаги; ▪ устанинг ўз иш фаолияти ва ҳунарини очиб бериш қобилияти; ▪ TSHB16_M.KLASS 6-илова |
| **ҚЎШИМЧА МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА (55 бал, 27,5%)** | | | |
| ***б) Ижтимоий фаолият:*** | | | |
| 9.3.10 | Имконияти чекланган шахсларни ўқитиш | **5** (2,5%) | ▪ банк маълумотномаси; TSHB16_CHARITY 10-илова |
| 9.3.11 | Ҳомийлик ишлари | **5** (2,5) | ▪ TSHB16_CHARITY 10-илова |
| ***в) Кўргазма фаолияти:*** | | | |
| 9.3.12 | Сўнги икки йил давомида республиканинг камида беш вилоятида шахсий кўргазмасини ўтказиш. Узоқ қишлоқларда ва овулларда қишлоқ аҳолиси учун ўз соҳасини тарғиб этганлик қобилияти (ишсизликни олдини олиш мақсадида қишлоқ аҳолисини ҳунарга ўргатганлиги) | **10** (5%) | ▪ TSHB16_VIDEO 4-илова; ▪ кўргазмалардаги муваффақиятли иштироки тўғрисида диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномалар нусхаси; ▪ TSHB16_LIST 5-илова |
| 9.3.13 | Халқаро ёки республика миқёсидаги кўргазмаларда иштироки (ўз муҳри билан тасдиқланган рўйхат илова қилинади) | **10** (5%) | ▪ TSHB16_VIDEO 4-илова; ▪ кўргазмалардаги муваффақиятли иштироки тўғрисида диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномалар нусхаси; ▪ TSHB14_LIST 5-илова |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ***г) Реклама фаолияти*** | | | | |
| 9.3.14 | Уста-ҳунарманд ихтисослашувига бағишланган Интернет ресурси (сайти)нинг мавжудлиги | | **5**<br>(2,5%) | ▪ Интернет сайтининг (қоғозда) чоп этилган кўриниши |
| 9.3.15 | Сўнги икки йил давомида республика оммавий ахборот воситаларида чоп этилган бешдан ортиқ мақола ва нашлар | | **5**<br>(2,5%) | • нашрлар нусхаси |
| | бешдан кам мақола ва нашрлар | | **2**<br>(1,25%) | |
| 9.3.16 | Иштироки фаолиятига бағишланиб ТВ каналларида намойиш этилган кўрсатув ва дастурлар | | **5**<br>(2,5%) | ▪ CD ва DVD шаклидаги ёзувлар;<br>▪ TSHB16_VIDEO 4-илова |
| ***д) Корпоративлилик:*** | | | | |
| 9.3.17 | Ўзбекистон “Ҳунарманд” уюшмасига аъзолик | 3 йил ёки ундан ортиқ | **10**<br>(5%) | ▪ Ўзбекистон “Ҳунарманд” уюшмасига аъзолик тўғрисидаги шартнома ёки гувоҳнома нусхаси |
| | | 2 йилдан 3 йилгача | **7**<br>(3,5%) | |
| | | 2 йилгача | **3**<br>(1,5%) | |

## X. Кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчиларини тақдирлаш

10.1. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш кўрик-танлов ташкилий қўмитаси томонидан жамғарилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига асосан ҳамда ҳомийлар маблағлари эвазига шакллантирилган) маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. “Ташаббус-2016” кўрик-танловининг республика босқичи тақдирлаш маросими 2016 йил 13 апрел куни бўлиб ўтади.

10.3. Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичи ғолиблари туман (шаҳар) ва вилоятлар ташкилий қўмиталарининг махсус диплом ва совринлари билан тақдирланади, иштирокчилар кўрик-танлов ҳомийларининг махсус совринлари билан тақдирланади.

10.4. Республика босқичининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги совринлар топширилади:

- 1-ўрин ғолибига алоҳида диплом, олтин медал, “Ташаббус” рамзи ҳисобланган “Пегас” ҳайкалчаси, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг махсус соврини (уч асосий йўналиш бўйича биринчи ўрин ғолибларига “SPARK” автомобиллари ёки қимматбаҳо бошқа совринлар);
- 2-ўрин ғолибига алоҳида диплом, кумуш медал, пул маблағи (пластик карточкада) ва бошқа қимматбаҳо совғалар;
- 3-ўрин ғолибига алоҳида диплом, бронза медал, пул маблағи (пластик карточкада) ва бошқа қимматбаҳо совғалар.

10.5. Номинациялар ғолиблари ва барча иштирокчилар кўрик-танлов очилиш маросимида лауреатлик дипломи ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

10.6. Ғолиб ва лауреатларлик дипломлари ташкилий қўмита раиси ёки раиси ўринбосарларининг бири ва бош ҳакам томонидан имзоланади.

10.7. Кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорлари ўз фаолиятида “Йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши фермери”, “Йилнинг энг яхши ҳунарманди”, “Энг яхши ёш тадбиркори”, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Ёшларга энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор”, “Менинг юртим – менинг ифтихорим”, “Энг яхши оилавий бизнес соҳиби”, “Энг яхши экспортчи”, “Энг масъулиятли ижтимоий шерик”, “Йилнинг энг яхши маҳсулоти”, “Озиқ-овқат саноатидаги энг яхши йил тадбиркори” номларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

10.8. Кўрик-танловнинг ғолиблари, совриндорлари ва фаол иштирокчилари республиканинг энг фаол тадбиркорлик субъектлари рўйхатига киритилади ва асосий ташкилотчилар томонидан тақдим этиладиган қуйидаги эксклюзив ҳуқуқларга эга бўлади:

- халқаро кўрик-танловлар, кўргазмалар, ярмаркалар, ўқув (семинар)ларда иштирок этиш;
- йил давомида оммавий ахборот воситаларида фаолиятини кенг ёритиш;
- йил давомида интернет тармоғида рекламалар билан имтиёзли таъминланиш.

## XI. Якуний қоидалар

11.1. Интизомли иштирокчиларни рағбатлантириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ иштирокчилар “Энг интизомли иштирокчи” мезони бўйича 20 балгача қўшимча балл билан мукофотланиши мумкин.

11.2. Умумэътироф этилган этика қоидаларига риоя қилмаганлиги, шунингдек кўрик-танловда иштирок этиш қоидаларини бузганлиги учун, иштирокчиларга Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ тўплаган умумий балидан 20 балгача бални айириб ташлаш жаримаси қўлланиши мумкин.

11.3. Биринчи босқич, яъни танловнинг туман (шаҳар) босқичларида кўргазма ташкил этмасдан иккинчи босқич, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида иштирок этса, иштирокчига иккинчи босқич ҳакамлар ҳайъати томонидан унга тўплаган жами балидан 10 бал, шу билан бирга, ушбу иштирокчи учинчи босқич, яъни республика босқичига чиққанда учинчи босқич Бош ҳаками томонидан жами тўплаган балидан яна 10 бал чегириш орқали жарима қўлланилади.

11.4. Танлов кўргазмаси ва тантаналар маросимида иштирокчиларнинг кийиниш меъзонлари қуйидагича қатъий белгиланади, кўрик-танловда иштирокчилар томонидан ушбу қоида бузилган тақдирда иштирокчилар тўплаган умумий балидан 10 балгача жарима сифатида олиб ташланиши мумкин:

- аёллар: қора костюм-юбка, ёқали оқ кофта, қора туфли (расмий кийим), сочлари турмакланган, бош кийимсиз.
- эркаклар: қора костюм-шим, оқ кўйлак, тўқ қизил галстук, қора туфли (расмий кийим), соч-соқоли олинган, бош кийимсиз.

11.5. Кўрик-танлов иштирокчиси умумэътироф этилган этика ва кўрик-танлов қоидаларини қўпол равишдаги бузса кўрик-танловдан чиқариб юборилиши, 2 йил муддатга кўрик-танловда иштирок этишга рухсат берилмаслиги мумкин. Бу борада кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъатининг йиғилиши баённомаси тузилади.

11.6. Кўрик-танлов босқичлари иштирокчилари ҳужжатлари мазкур Низомнинг 8.5-банди 4-қисмида белгиланган муддатда тақдим этилмаган, сифатсиз тақдим этилган ёки

тўлиқ тақдим этилмаган, шу билан бирга ёлғон ва асосланмаган ҳужжатлар тақдим этган тақдирда иштирокчи танловдан четлаштирилади.

11.7. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлик ушбу Низомда ёритилмаган ҳолатлар Ташкилий қўмита мажлиси қарорига асосан ҳал этилади.

## ҚЎШИМЧА ҚАЙДЛАР УЧУН